



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

BOSHLANG'ICH TA'LIMGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA RIVOJLANISH OMILLARI

XALQARO ILMIIY-AMALIY ANJUMANI

MATERIALLARI



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

**ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021 йил, 1 -2 апрель

БУХОРО - 2021

Илмий анжуманнинг дастурий қўмитаси

- О. Х.Хамидов – Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, раис.
- О.С.Қаҳҳоров – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.
- Ў.У. Рашидов – молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо.
- Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, аъзо.
- Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.
- Ю.А. Пўлотова – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, котиб.

Илмий анжуманнинг ташкилий қўмитаси

- О.С.Қаҳҳоров – Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини.
- Қ.Р.Тўхсонов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, раис муовини.
- Г.Т. Зарипов – ИТ, И ва ИПКТБ бўлими бошлиғи, аъзо.
- Ю.Ю.Азимов – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- Н.О. Сафарова – мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари, аъзо.
- А.Р.Ҳамроев – бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, аъзо.
- Ф.М.Қосимов – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.
- Ғ.М.Сайфуллаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, аъзо.
- Н.Б.Адизова – бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо.
- Р.А.Қўлдошев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо.
- Р.Х.Жумаев – бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси, аъзо.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-фсонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2021 йил 1 апрель куни Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси кафедрасида **“Бошланғич таълимга рақамли технологияларни татбиқ этишнинг замонавий тенденциялари ва ривожланиш омиллари”** мавзусидаги халқароилмий-амалий анжуман материаллари асосида тузилди.

Масъул муҳаррир:

А.Р.Ҳамроев, педагогика фанлари доктори, доцент

Такризчилар:

Б.Р.Адизов, педагогика фанлари доктори, профессор
Ю.Ю.Азимов, филология фанлари номзоди, доцент

учасників освітнього простору. Психологічні виміри особистісної взаємодії суб'єктів освітнього простору в контексті гуманістичної парадигми: монографія / за ред. С.Д. Максименка – Київ, 2020. 220 с. С.7-16

9. Максименко С. Д. *Психологія учіння людини: генетико-моделюючий підхід*: монографія. СД Максименко. - Київ: «Центр учбової літератури, 2014. – 167 с.

10. Чудакова В. П. Дослідження «рівня прагнення до самоактуалізації» як критерію сформованості психологічної готовності до інноваційної діяльності й конкурентоздатності особистості (1 ч.). Освіта і розвиток обдарованої особистості: щомісячний науково-методичний журнал. – 2014. – № 11 (30) (листопад). – С. 43–53. URL: <http://otr.iod.gov.ua/index.php/2014-rik/72-vipusk-11>

11. Chudakova V. (Vira Chudakova). (2020) RESOURCES DEVELOPMENT OF THE COMPETENCES OF PERSONALITY COMPETITIVENESS IN TERMS OF INNOVATIVE ACTIVITIES. // Professional competencies and educational innovations in the knowledge economy: collective monograph / Editors Lyubomira Popova, Mariana Petrova. Veliko Tarnovo, Bulgaria: Publishing House ACCESS PRESS, 2020. 532 p. P. 473 – 485. URL: <http://sci-conf.com.ua>

12. Chudakova V. P.. PROSPECTS FOR REALIZATION OF THE TECHNOLOGY FOR FORMING OF PSICOLOGY READNESS FOR INNOVATIVE ACTIVITY AS THE BASIS FOR THE DEVELOPMENT THE OF COMPETENCIES OF A PERSON'S COMPETITIVENESS / Abstracts of the 8th International scientific and practical conference. CPN Publishing Group. Osaka, Japan. 2020. 980 p. P.62-72. URL. http://sci-conf.com.ua/wp-content/uploads/2020/04/PERSPECTIVES-OF-WORLD-SCIENCE-AND-EDUCATION_22-24.04.2020.pdf

13. Максименко С.Д., Яланська С. П. Генетико-креативний підхід: діяльнісне опосередкування особистісного розвитку : монографія – Київ :..., 2021. – 448 с.

ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ МУАММОСИ

Азиза Шариповна Хусенова
Бухоро давлат университети
таълим докторанти

Аннотация. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириши муаммосининг марказий масаласи “таълим мазмуни ва ижодий таълим”, “ўқитиши фаолияти ва таълимни лойиҳалаши”, “ўқувчи фаолияти ва ижодий фаолият” тизимлари моҳиятини ўзида комплекс қамраб оладиган дастурларни психологик, педагогик, дидактик, методик жиҳатдан асослаши. Лойиҳавий таълимда таълимни моделлаштириши, ўқиш-ўрганиши учун қулай психологик муҳит яратиши билан бирга фаннинг кейинги ютуқлари —шахсга йўналтирилган таълим воситалари, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириши соҳаларида эришилган натижалардан ҳам фойдаланиши зарур.

Калит сўзлар: лойиҳалаши, ўқув машғулоти, ўқув предмети, таълим мазмуни, она тили, тафаккур, ижодий фаолият, ўқитувчи, ўқувчи.

Аннотации. Центральным вопросом проблемы проектирования творческой деятельности учащихся в обучении на родном языке является психолого-педагогическое, дидактическое, методологическое обоснование программ, всесторонне раскрывающих сущность систем «содержание образования и творческое воспитание», «обучение и проектирование обучения». , «студенческая деятельность и творческая деятельность». В проекте обучения необходимо не только моделировать обучение, создавать благоприятную психологическую среду для обучения, но и использовать результаты дальнейших достижений

науки - личностно-ориентированные средства обучения, дизайн творческой деятельности студентов.

Ключевые слова: дизайн, обучение, предмет, содержание обучения, родной язык, мышление, творческая деятельность, учитель, ученик.

Annotation. The central issue of designing students' creative activity in mother tongue education is psychological, pedagogical, didactic, methodological substantiation of programs that comprehensively cover the essence of the systems "content of education and creative education", "design of teaching and learning activities", "student activity and creative activity". In project education it is necessary not only to model education, to create a favorable psychological environment for learning, but also to use the latest achievements of science - the tools of person-centered learning, the results achieved in the design of creative activities of students

Keywords: design, teaching, subject, educational content, native language, thinking, creative activity, teacher, student

Кириш. Таълим мақсади ва вазифаларининг аниқ, пухта белгилаб олиниши ўқитувчи, шунингдек, таҳсил олувчилар фаолиятини муайян йўналишга солиш, таълим мақсадига эришишда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишга замин ҳозирлайди. Иккинчи босқич натижаси ўқув предмети (фаолият мазмуни)нинг мавзуси бўйича ягона, умумий ҳамда хусусий мақсадлар, шунингдек, вазифаларни қайд этиш билан тавсифланади. Муайян ўқув машғулотини жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг дастлабки босқичи ўқув предметининг мундарижасидан жой олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни ўрганиш, чунончи, материалларни йиғиш ва уларнинг ғояси (моҳияти) билан танишиб чиқиш, уларда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ҳамда яхлитлашдан иборат.

Ўқув предметининг мавзуси ёки фаолият мазмунига доир манбалар моҳиятини ўрганиб чиқиш ўқитувчи учун таҳсил олувчилар эътиборига тақдим этилаётган мавзу (фаолият мазмуни) хусусида уларга батафсил, мукамал маълумотларни бера олиш, таълимнинг умумий жараёнини тасаввур этиш имконини беради.

2-босқич. Иккинчи босқич ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаш, умумий мақсад доирасида кичик бўлим (банд)лар бўйича ҳал этилувчи хусусий мақсадларни ҳам белгилаш, таълим мақсадига эришиш йўлида ижобий ҳал этиб борилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқишга йўналтирилади.

3-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг учинчи босқичи таълим мақсади ва вазифаларига таянилган ҳолда, ўқув жараёнининг мазмунини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таълим жараёни ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қилувчи муайян мавзу (фаолият мазмуни) бўйича назарий ва амалий билимлар мажмуини ифода этиш имконини беради. Таълим мазмунида, шунингдек, таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, кўникма ҳамда малакаларнинг ҳажми ҳам ўз ифодасини топа олиши лозим. Зеро, таълим мазмунининг ғоявий

жиҳатдан мукамаллиги таҳсил олувчилар томонидан муайян билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш даражаси билан белгиланади. Учинчи босқич самараси таҳсил олувчилар томонидан маълум тушунчаларнинг ўзлаштирилиши, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини таъминловчи шартларнинг ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

4-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг энг муҳим босқичи саналган тўртинчи босқичда машғулотнинг шакли, метод ва воситаларини танлаш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Мазкур босқичнинг муҳимлиги шундаки, айнан машғулот шакли, метод ва воситалари таълим жараёнининг муваффақияти таъминланишига олиб келади. Улар ёрдами билангина ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) борасидаги назарий билимлар таҳсил олувчиларга узатилади, таҳсил олувчилар томонидан эса ушбу билимлар қабул қилиб олинади. Муайян машғулот учун энг мақбул деб топилган шакл, метод ва воситаларнинг белгиланиши таълим жараёнининг қарийб 90 фоизлик муваффақиятини кафолатлайди. Янги, замонавий педагогик технологияларнинг асосий моҳияти айнан мана шу босқичда очиб берилади. Таҳсил олувчиларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг тўғри танланиши машғулотларнинг қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Мана шу ҳолатдагина таҳсил олувчилар ташаббусни ўз қўлларига оладилар, ўқитувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолаш каби вазифалар қолади.

5-босқич. Навбатдаги (бешинчи) босқичда таҳсил олувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши учун етарли дея белгиланган вақт ҳажми, яъни, муайян мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунча, кўникма ва малакаларнинг таҳсил олувчилар томонидан қанча вақт оралиғида ўзлаштирилиши мумкинлиги аниқланади.

6-босқич. Олтинчи босқичда машқ (топширик)лар тизими ишлаб чиқилади. Босқич натижаси сифатида ишлаб чиқилган машқ (топширик)лар тизимининг самарадорлигига алоҳида аҳамият бериш талаби мазкур босқичнинг асосий шarti ҳисобланади.

Мазкур босқичда ишлаб чиқилган машқлар тизимини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

а) машғулот жараёнида таҳсил олувчилар томонидан ечилиши (ҳал этилиши) лозим бўлган машқлар;

б) дарсдан ташқари шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машқлар (уй вазифалари).

Таҳсил олувчилар эътиборига ҳавола этилаётган машқлар бир-бирини тўлдириши, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик ва энг муҳими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

7-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг еттинчи босқичида таҳсил олувчиларнинг умумий фаолиятларини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалар амалга оширилади.

Асосий қисм. Назарий ва амалий жиҳатдан тўғри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиши таҳсил олувчиларнинг мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан муайян тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалий кўникма ва малакаларни шакллантира олганлик даражаларини аниқ ва холис аниқлай олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чиқишда тестларнинг изчил, узвий ҳамда бир-бири билан уйғун бўлишларига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.



Ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичлари


8-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг сўнгги босқичи яратилган лойиҳа (андоза)нинг таълим жараёнига татбиқ этилиши, таълим жараёнининг якуний даражаси (самарадорлиги)ни ўрганиш билан ниҳояланади.

Методик изланишларда тадқиқ қилинаётган муаммони ўзига оид категориялар воситасида тавсифлаш, атама ва тушунчаларни шарҳлаш, уларнинг ҳозирги тараққиёт даражасини аниқлаш, келажакдаги истиқболни чамалаш масъулиятли жиҳат ҳисобланади. Бундан она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси ҳам истисно эмас.

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси методика фанида тахминан ярим аср олдин пайдо бўлган замонавий йўналиш. Унга бағишланган адабиётлар йилдан-йилга жадал суръатлар билан кўпайиб бормоқда. Австралия алифболи каталоги маълумотларига қараганда, 1988 йилда биргина таълимни лойиҳалаштириш муаммосига оид мақолалар сони педагогик технология муаммоларининг барча йўналишлари бўйича эълон қилинган мақолалар умумий сонидан 8 марта кўп экан.

Ҳозирги пайтда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Япония, Канада, Австралия, Жанубий Корея, Россияда шу йўналишдаги психологик, педагогик, дидактик, методик, техник, технологик изланишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Бир неча йиллардан буён она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси илмий адабиётларда она тили дарсида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш муаммоси ҳақида гапирилаётган бўлса-да, бу муаммо ечими очиқлигича қолмоқда. Охириги ўн йилликда бу муаммо бўйича билдирилган фикрлар нафақат мазмуни ёки шакли билан, балки асосий ғоялари билан ҳам бири-биридан фарқ қилади.

Муҳокама ва натижалар. Хорижий давлат олимларининг монографик асарларини таҳлил қилиш асосида она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш хусусидаги фикрларни қисқача шарҳлаб ўтамиз. Ўқитувчи ва дастурий воситалар ҳақида гапирадиган бўлсак, Ф.Амари [1] ўқитувчилар дастурий воситалардан фойдаланувчи эмас, балки уларнинг яратувчиси бўлишини таклиф қилади. Бу билан ўқитувчи ўзининг ўқитиш ғоясини дастурда шакллантириши, уни таҳлил қилиш, қўллаш ва баҳолаш орқали такомиллаштириши мумкин дейди. С.Вонд ва бошқалар [2] тайёрладиган ўқитувчилар феъл-атвори ва мулоқотга киришиш даражаси бўйича ҳар хил, шунинг учун ўқитиш тизимида ўқувчига муносабатини яхшилашга эътиборини қаратиш керак деб ҳисоблайди. С. Деметриадис ва бошқалар [3] ўқитувчининг дарс бериши учун ўқувчиларнинг мустақил ўрганиши, бевосита суҳбатлар асосида ўрганиши назарда тутилган.



Ижодий таълим (ИТ) асосида ўқитиш шакллари ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Масалан, Король ахборот технология(АТ)лар воситасида ўқувчида қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ўқитувчининг ёрдам кўрсатиш методларини таҳлил қилган. Р.Славин [4] дарс жараёнида натижаларни муҳокама ва таҳлил қилишда ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида гуруҳларга бўлиниб ишлашини ўрганган. Т.Косман [6] компьютер ёрдамида муаммони биргаликда ўрганиш билан боғлиқ табақалашган таълимдаги ўқиш шаклларини тадқиқ қилган. Э.Венгер [5] материални ўрганиш жараёнида бевосита ўз-ўзидан шаклланадиган гуруҳлар ишининг хусусиятларини ўрганган. Шунингдек, аралаш типдаги дарс услублари ҳам қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Таълим мазмунини ижодий ўрганиш муаммоси "ўқувчи ва ўқув материали" тизимида таҳлил қилинади. Шу йўл билан ўқувчи ва таълим мазмунининг ўзаро таъсирини алоҳида ажратишга, компонентлар ўртасидаги муносабат, алоқаларни батафсил тавсиф этишга эришамиз. Шу билан бирга, ўзаро таъсирни олдин ўқувчи – ўқиш фаолиятига кўра, сўнгра ўқув материали – таълим мазмуни жиҳатидан таҳлил қилиш унинг жараёний ҳамда воситавий хусусиятларини шарҳлаш имкониятларини кенгайтиради.

Ўқиш ва ўқув материалининг ўзаро таъсири тизимида икки хил муносабат ажратилади: ўқувчи ва ўқув материали; ўқувчи ва реал борлиқ. Бу муносабатларнинг биринчиси ўқувчи билан белгилар (мас., ёзув) ўртасида юз беради. Чунки ҳар бир ўқув материали ёзув ёки жонли нутқ шаклида моддийлаштирилади. Муносабатларнинг иккинчиси ўқувчи билан реал борлиқ ўртасида содир бўлади. Ўқув материалларида қайд этилган реал борлиқ ўқув предметлари соҳаси саналади.

Муносабатлар нуқтаи назаридан ўқиш фаолияти икки босқичли жараёнدير: 1) шартли белгилар билан тўқнашув – бу жараёнда икки хил ўзгаришни қайд этамиз: а) ўқувчи таъсиридан белгиларнинг англандан ҳолатга келиши; б) шартли белгилар таъсиридан болаларда содир бўладиган ўзгаришлар – белгиларни, улар воситасида берилган мазмунни фаҳмлаш; 2) шартли белгилар воситасида берилган мазмунни ўзига оид соҳага кўчириш. Бу жараёнда ҳам икки хил ўзгаришни қайд этамиз: а) ўқувчи таъсиридан шартли белгиларни ўзига оид мазмунга айлантириш, матннинг фаолиятнинг қайси соҳаси – ўқув предметига доирлигини фаҳмлаш; б) шартли белгилар таъсирида ўқувчи онгида содир бўлган ўзгаришлар – тушуниш, фикрлаш, анализ ва синтез қилиш. Бинобарин, методикада белгиларни (мас., ёзувни) ўрганиш, унинг хусусиятларига тавсиф бериш, белги билан у англатадиган мазмун ўртасидаги муносабатни таҳлил этиш ўз тадқиқотчиларини кутаётган методологик муаммодир. Бу ўзгаришларнинг иккитаси – "а, а" формал ўзгаришлар, иккитаси "б, б" эса мазмун ўзгаришларидир.

Ўқиш фаолиятининг шартли белгилар билан учрашуви ҳамда уларнинг мазмунини ўз соҳасига кўчириш жараёнларида турли боғланишлар амал қилади. Моҳияти жиҳатидан боғланишлар икки гуруҳга ажратилади: салбий алоқалар, ижобий алоқалар. Салбий алоқалар ўқиш фаолиятининг самарали кечишига тўсик бўладиган, болаларга мазмун алоқаларини англашига халақит берадиган боғланишлардир. Улар ўқув материалининг информацион нуқтаи назарга дахлдордир. Таълим актлари мақсадини англамаслик, билимлар билан реал

борлиқ ўртасидаги боғланишни фаҳмламаслик, ўқув материалига оид фаолият усулини ажрата билмаслик, қоида ва таърифлар таркибидаги айрим тушунча, атама, ифодаларнинг фарқига бормаслик, ўрганилган билимларни ўқув ва ҳаётий ҳолатларга кўчира олмаслик салбий алоқалар сирасига киради. Салбий боғланишларни бартараф этиш йўли билан ўқиш фаолиятининг самарали кечиши тахминланади.

Салбий алоқаларни имконият даражасида камайтириш, ижобий алоқаларни кўпайтириш орқали болаларнинг ўқув-билув фаолияти интенсивлаштирилади. Шунинг учун ижобий боғланишларни билиш, уларни тасниф этиш педагогик фаолият билан машғул кишиларнинг барчасига — ҳам тадқиқотчига, ҳам ўқитувчига ниҳоятда зарур.

Ижоднинг инсон фаолиятидаги туғма ва ҳосила сифатларини ҳисобга олиб, унга қуйидагича умумий инструментал ишчи таъриф берамиз: Ижод – туғма қобилият ва ҳосила сифатлар синтезида амал қилиб, ижтимоий ҳамда шахсий қимматга молик янги моддий, маънавий бойликларни яратишга йўналган махсулдор субъектив фаолиятдир.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги механизми таклиф этилди (1-расм).



1-расм. Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш механизми.

Ижодиётнинг фалсафий аспекти ижодий тафаккур маҳсули — кашф қилинган билимларнинг ҳақиқийлиги, уларнинг борлиқ — табиат, жамият, тафаккур ҳодисаларига мослиги, назария ва амалиётнинг ўзаро мувофиқлиги билан дахлдор бўлса, социология ижодиётнинг ижтимоий соҳаларини — ижодга рағбатлантириш, йўллаш, ижодкор йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш масалалари билан шуғулланади. Юқоридагиларга ўхшаб физиология ва кибернетиканинг ҳам ижодиётни ўрганиш соҳалари мавжуд: агар физиология олий нерв фаолияти ҳодисалари — ижодий тафаккур жараёнида нерв ҳужайраларининг ишлаш принциплари, усуларини таҳлил қилса, кибернетика ахборотларга ишлов бериш нуктаи назардан ижодиётни ўрганишга ёндашади.

Психология ва педагогиканинг ҳам ижодиёт муаммоларини ўрганиш нуктаи назарлари мавжуд: психология у ёки бу кашфиётда ижод маҳсули — янги очилган қонуният тафаккурнинг қандай амал қилганлиги, унинг қайси хусусиятларига кўра эришилганлиги масалалари билан шуғулланса, педагогика ёшларда ижодий қобилиятларни тарбиялаш, ижодкор шахсни етиштириб чиқариш масалаларини ўрганади. Фикримизча, ижодиёт муаммоларини ўрганишда психологик ва педагогик ёндашув бир-бирини тўлдиради: ижод имкониятларини ўрганмасдан туриб ўқувчиларда ижодкорликни тарбиялаш мумкин бўлмаганидек, ижодий фаолият мақсади, воситаси, шарт-шароити, ташкилий шакли, усулларини ишлаб чиқмасдан ижод механизмларининг амал қилишини билиб бўлмайди.

Ижод кўп жиҳатдан инсон яшаётган маданий муҳит, нарса-ҳодисалар билан тўқнашув жараёнларига боғлиқ. Ўзини, ўзгалар фаолиятини танқидий баҳолаш, альтернатив фикрлаш, фактларни умумлаштира билиш, янги ғояларни ўртага ташлаш, мустақил фикрга, ҳаётий мавқега эга бўлиш ижодкор шахс фаолиятининг ўзига хос сифатларидир. Бундай шахсий сифатлар тарбияга муҳтож. Ижод ҳақида гап кетар экан, биз икки нарсани ўзаро фарқлашни лозим деб топдик: а) туғма қобилиятлар, лаёқатлар, ижодий фаолиятга мойиллик. Инсонда қобилият, лаёқат, ижодиётга мойиллик каби сифатлар мавжуд бўлмаса, уни ҳеч қачон том маънодаги ижодкор шахс қилиб етиштириб бўлмайди; б) инсон фаолиятида тарбия воситасида шакллантириладиган ҳосила сифатлар. Ўзини, ўзгалар фаолиятини баҳолай олиш, альтернатив фикрлаш, фактларни таҳлил қила билиш, умумлаштириш, умумийда хусусий ва, аксинча, хусусийда умумийни кўра билиш, мустақил фикрлай олиш кўп жиҳатдан тарбияга боғлиқ. Бинобарин, ижодкор шахс туғма ва ҳосила сифатлар синтезида шаклланади. Одамнинг ўзи сингари, унинг ижодий фаолияти ҳам тарбияга муҳтождир. Агар тарбия бўлмаса, кишидаги туғма қобилиятлар аста-секин йўқола боради.

Хулоса. Инсон ҳаётида ижоднинг икки хил қиммати бор: ижтимоий қиммат, шахсий қиммат. Ижтимоий қиммат – бу ижодиётнинг жамиятни ривожлантириш, моддий ва маҳнавий бойликларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш қуроллари, воситаларини такомиллаштириш соҳасидаги аҳамиятидир. Шахсий қиммат – бу ижодиётнинг инсон шахсини ривожлантириш, унда таффакур, фикрлаш шакллари тарбиялаш, ёшларни бунёдкорликка тайёрлаш ҳамда ўргатиш демакдир.

References:

1. Alijon R Khamraev. Modeling Teacher's Activity in Designing Students' Creative Activities. Eastern European Scientific Journal.2019/5/10/
2. О'qish kitobi: 1-sinf uchun darslik / Muallif-tuzuvchilar:T. G'afforova, E.Shodmonov, G. Eshturdiyeva; Mas'ul muharrir: S. Mat chonov. — T.: «Sharq» 2017. — 128 b.
3. О'qish kitobi 4-sinf: umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik/S. Matchonov [va boshq.]. - Qayta ishlangan va to'ldirilgan oltinchi nashr.- Toshkent.: «Yangiyo'l poligraf servis», 2017. - 216 b.

<i>Shukurova L.S.</i> Boshlang'ich sinf matematika darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	560
<i>Файзиева У.</i> Экологик тарбия маданиятини ривожлантириш ва шакллантириш муаммолари	562
<i>Гончарова Наталия Александровна.</i> Применение технологии дополненной реальности в начальном образовании	564
<i>Максименко Сергей Дмитриевич.</i> Тенденции и подходы «генетико-креативного метода психологического изучения личности в образовательном пространстве»	568
<i>Ҳусенова Азиза Шариповна.</i> Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси	572
<i>Yusufzoda Sh.Y. Qo'shinova M.A.</i> Boshlang'ich sinf o'quvchilariga musiqiy savodxonlik malakalarini shakllantirish metodikasi	580